



https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a1

МАМЛАКАТ ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Махмудов Носир Махмудович -

и.ф.д., Тошкент давлат
иқтисодиёт университети профессори,

Мирзаев Закир Абдуллаевич -

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини жадал ривожлантириши ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш учун мамлакат экспорт ва импорт салоҳиятини, ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишда божхона тўловларидан фойдаланиш ва улар бўйича имтиёзлар бериш механизmlарини такомиллаштириш орқали ривожлантириши масалалари ўрганилган.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, мамлакат экспорт ва импорт салоҳиятини ривожлантиришда божхона тўловларидан фойдаланиш ва улар бўйича имтиёзлар бериш механизmlарини такомиллаштириш, ташқи савдо субъектларининг экспорт фаолиятини рағбатлантириши, инвестиция муҳитини яхшилаш, экспортга йўналтирилган тармоқ корхоналарини модернизациялаш, инновацион техника ва технологиялар билан қайта қуроллантириш орқали уларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириши имкониятини беради. Шу билан бирга, мамлакатнинг импорт товарларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, ички бозорда нософлом рақобат муҳитининг яратилиши, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари импорти билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари томонидан монопол мавқега эга бўлиши, нархларнинг асосиз оширилиши олди олинади.

Калилтили сўзлар: ташқи иқтисодий алоқалар, ташқи иқтисодий фаолият, ташқи савдо, божхона тўловлари, божхона божлари, қўшилган қиймат, акциз солиқлари, экспорт ҳажмини, интеграциялашув.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТАМОЖЕННЫХ ПЛАТЕЖЕЙ ПРИ ПОВЫШЕНИИ ЭКСПОРТНОГО И ИМПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА СТРАНЫ

Махмудов Носир Махмудович -

д.э.н., профессор Ташкентского государственного
экономического университета,

Мирзаев Закир Абдуллаевич -

самостоятельный исследователь

Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация. В статье изучаются вопросы совершенствования механизмов использования таможенных платежей и льгот по их взиманию при регулировании государством внешнеэкономической деятельности для развития экспортного и импортного потенциала страны необходимой для обеспечения высоких темпов развития и устойчивого роста экономики Республики Узбекистан.

Здесь необходимо отметить, что совершенствование механизмов использования таможенных платежей и льгот по их взиманию для повышения экспортного и импортного потенциала дает возможность стимулирования экспорта субъектов внешней торговли, улучшения инвестиционного климата в стране, модернизации и повышения экспортного потенциала экспортно-ориентированных отраслей путем перевооружения их современной техникой и инновационными технологиями. Вместе с этим обеспечивает потребность страны по импортным товарам, устранение недобросовестной конкуренции на внутреннем рынке, не дает возможность стать монополистом, необоснованного повышения цен некоторым импортерам продовольственных товаров.

Ключевые слова: внешнеэкономические связи, внешнеэкономическая деятельность, внешняя торговля, таможенные сборы, таможенные пошлины, добавленная стоимость, акцизы, объем экспорта, интеграция.

IMPROVING THE MECHANISM OF USING CUSTOMS PAYMENTS WHILE INCREASING
THE EXPORT AND IMPORT POTENTIAL OF THE COUNTRY

Makhmudov Nosir Makhmudovich -

*Doctor of Economics, Professor of
Tashkent State University of Economics,*

Mirzayev Zakir Abdullayevich -

*is an independent researcher of
Tashkent State University of Economics*

Annotation. The article examines the issues of improving the mechanisms for the use of customs payments and benefits for their collection in the regulation of foreign economic activity by the state for the development of export and import potential of the country necessary to ensure high rates of development and sustainable growth of the economy of the Republic of Uzbekistan.

It should be noted here that the improvement of mechanisms for the use of customs payments and benefits for their collection to increase export and import potential makes it possible to stimulate the export of foreign trade entities, improve the investment climate in the country, modernize and increase the export potential of export-oriented industries by re-equipping them with modern equipment and innovative technologies. At the same time, it ensures the country's need for imported goods, the elimination of unfair competition in the domestic market, does not give the opportunity to become a monopolist, unjustified price increases to some importers of food products.

Key words: foreign economic relations, foreign economic activity, foreign trade, customs fees, customs duties, added value, excise taxes, export volume, integration.

Кириш. Ҳозирги кунда ҳеч бир мамлакат-нинг ташқи савдо салоҳиятини ривожлантириш, яъни экспорти ва импорти ҳажмини ошириш, таркиби ва географиясини кенгайтириш жаҳон хўжалигида юз берадиган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлардан холи ҳолда амалга ошириб бўлмайди. Чунки мамлакат ташқи савдо салоҳияти-ни ривожлантириш нафақат унинг ички потен-циалига, балки унинг ташқи иқтисодий алоқа-лар тизимида эгаллаган мавқеига ҳам боғлиқ-дир.

Ташқи иқтисодий алоқалар товар-моддий бойликлар, молиявий ресурслар ва илм-фан ютуқларининг мамлакатлар ўртасида алмаши-нишининг турли йўналишлари, шакллари ва воситаларини ифодаловчи яхлит тизимдир.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклла-ниши ва ривожланиши мамлакатларнинг ўзаро алоқалари, бир-бирига боғлиқлигининг кучайи-ши билан белгиланади.

Ташқи иқтисодий алоқалар жамият ижти-моий-иқтисодий ривожланишининг қудратли омили бўлиб, улар бу жараённи тезлатишлари ёки секинлаштиришлари мумкин. Ташқи иқти-содий алоқалар экспорт ишлаб чиқаришининг ривожланишини, хомашёни замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда чукур қайта ишланган маҳсулотлар экспортини рағ-батлантириши ҳамда мамлакат иқтисодиётини ташкилий-технологик қайта қуриш учун, шу-нингдек, мамлакат ва аҳолининг ҳаётий зарур бўлган маҳсулотлар импортига бўлган эҳтиёж-ларини, биринчи навбатда, таъминлаши орқали

миллий иқтисодиётнинг ҳолати ва самарадорли-гига ижобий таъсир кўрсатади.

Миллий иқтисодиётнинг очиқлик даража-си, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида давлатларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги кучайиб боришининг ҳозирги ша-роитида жаҳон хўжалигига интеграциялашувини жадаллаштиришга интилаётган ҳар бир мам-лакат учун ташқи иқтисодий алоқаларни рӯёбга чиқариш жараёни ташқи иқтисодий фаолиятни (ТИФ), унинг асосий ташкил этувчиси бўлган ташқи савдони давлат томонидан тартибга со-лишда божхона тўловларидан фойдаланиши долзарб масалалардан биридир.

ТИФни давлат томонидан тартибга солиша-да таркиби божхона божлари, солиқлар (кўшил-ган қиймат, акциз солиқлари) ва божхона йиғим-ларидан иборат бўлган божхона тўловларидан фойдаланиш миллий иқтисодиётда бозор муно-сабатлари тамойилларини қарор топтириш имкониятларини яратади. Божхона тўловлари-ни ундириш механизмларини тўғри танлаш мам-лакатда амалга оширилаётган иқтисодий исло-хотларнинг самарасини ошириш, мамлакатнинг ички ва ташқи манфаатларини ҳимоя қилиш, жумладан, ташқи иқтисодий мувозанатни таъ-минлаш, экспорт ва импорт таркибида прогрес-сив силжишларни рағбатлантириш орқали таш-қи савдо салоҳиятини ривожлантириш имкония-тини беради. Шуни таъқидлаб ўтиш лозимки, божхона тўловлари давлат бюджетининг даромадлар қисмини тўлдиришнинг асосий манба-лардан бири бўлиши билан бир қаторда мам-

лакатимизга олиб кирилаётган ёки олиб чиқи-лаётган товарлар оқимини кучайтириши ёки су-сайтириши маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарлари уларнинг хорижий рақобатчилари товарлари билан бир хил иқтисодий шароитларга қўйиши, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида муайян иқтисодий, илмий-техникавий, экология, валюта-молия сиёсатини олиб бориши, таш-қи иқтисодий фаолият субъектлари манфаатла-рини умумдавлат, миллий манфаатларга йўнал-тириши мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ташқи иқтисодий фаолиятни, унинг асосий ташкил этувчиси – ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги, унинг ижти-моий-иктисодий аҳамияти, тартибга солиш усулларининг туркумланиш мезонлари, улардан мамлакатлар томонидан фойдаланишнинг асо-сий сабаблари иқтисодчи олимларнинг тадқи-қотларида ўз аксини топган.

Халқаро савдонинг классик назариялари, эркин ва протекционистик савдо сиёсатлари мамлакатлар томонидан қўлланилишининг асо-сий сабаблари, бу савдо сиёсатларида белгилан-ган вазифаларни амалга оширишда турли тар-тибга солиш усулларидан фойдаланишнинг на-зарий ва амалий сабабарини ўрганган кўпчи-лик иқтисодчилардан бири А.Киреевнинг фик-рича [6], мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-икти-содий мустақиллигини таъминлашдир.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томо-нидан тартибга солиш – мамлакатнинг ижти-моий-иктисодий ривожланганлик даражасига қараб уни ташқи савдо сиёсатининг протекци-онизм йўналишидан, яъни ички бозорни хорижий товарлар оқимиidan ҳимоя қилишдан ташқи иқтисодий фаолиятни либералластиришга қаратилган эркин савдо сиёсати йўналишига ўтказиш масалалари В.Г.Свінухов [7] томонидан ўрганилган.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томо-нидан тартибга солишда қўлланиладиган усул-лар: божхона божлари, акциз ва қўшилган қий-мат солиқлари, божхона йиғимларидан иборат бўлган иқтисодий ва ташқи иқтисодий фаолият субъектларига бевосита таъсир этадиган маъму-рий усулларга бўлиниши В.Г.Драгановнинг [8] асарида қайд этиб ўтилган. Бу ерда таъкидлаб ўтилганки, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда божхона тўловларидан фойдаланиш миллий иқтисодиётда бозор муносабатлари тамойилларини қарор топтириш имкониятини беради.

Божхона тўловлари таркибига кирувчи импорт божи ставкаларини иқтисодиётнинг муайян тармоқлари маҳсулотларига нисбатан ошириш бошқа тармоқлар маҳсулотлари тан-нархи ошиши ва рақобатбардошлигининг паса-ишига олиб келади. Шу сабабли Э.А.Тихонович-нинг фикрича [9], импорт божлари ставкаларини белгилашда, олиб кирилаётган товарларни миллий иқтисодиётнинг ривожлантирилишида қандай аҳамиятга эга эканлигига қараб диффе-ренциаллаштириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисо-диётининг рақобатбардошлигини оширишда ташқи иқтисодий фаолиятни, унинг асосий таш-кил этувчиси – ташқи савдони тартибга солища қўлланиладиган давлат воситаларидан фойда-ланишни, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши турли босқичларида амалга оши-риладиган ислоҳотларнинг самарадорлигига қандай таъсир этишини ҳисобга олиш лозим [10]. Чунки мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш орқали унинг таш-қи савдо салоҳиятини оширишда божхона тўлов-ларидан фойдаланишнинг бошқа тартибга со-лиш усулларидан фойдаланишга нисбатан афзаллиги шундаки, ундан фойдаланиш бозор муносабатлари тамойилларининг мамлакатда қарор топишини тезлатади [11]. Шунингдек, ма-ҳаллий олимларимиздан бири Сайд-Азим Арипов томонидан божхона тўловларини унди-риш механизмларини тўғри танлаш, ташқи иқтисодий фаолият субъектларини қўллаб-кув-ватлаш, импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш, ку-лай инвестиция мұхитини яратиш, экспорт то-варларининг жаҳон бозорларидаги рақобатбар-дошлик даражасини ошириш билан бирга, мам-лакатимиз иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги тизимиға интеграциялашувини таъминлаш ма-салалари ўрганилган[12]. Пардаев Тўлқин фик-рига кўра, божхона тўловлари давлат бюджети-нинг даромад қисмини тўлдиришнинг асосий манбаларидан биридир. Божхона тўловларининг йиғилувчанлиги, яъни маълум давр мобайнида белгиланган божхона тўловлари бўйича истиқ-бол кўрсаткичларининг бажарилиши товарлар-нинг божхона қиймати тўғри аниқланишига бевосита боғлиқдир [13].

Тадқиқот методологияси. Ташқи иқтисодий фаолиятни, унинг асосий ташкил этувчиси – ташқи савдони давлат томонидан тартибга солища қўлланиладиган усулларни ижтимоий-иктисодий нуқтаи-назардан ўрганишга бағи-ланган илмий тадқиқотларда илгари сурилган

илмий-амалий таклифларни таҳдил қилишда мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, таҳдил ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳдил ва натижалар мұхокамаси.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъқидлаганидек: “Халқаро муносабатларда ўзаро ишонч камайиб, қарама-қаршилик ва можароларнинг ортиши барқарорлик ва ривожланишга жиғдий хавф солмоқда. Бунинг натижасида энергия ресурслари танқислиги кучайиб бормоқда, озиқ-овқаттаға әхтиёж ортиб, молиявий ресурслар қимматлашиб бормоқда ...” [5].

Бундай шароитда очиқ прагматик ва фаол ташқи савдо сиёсатини олиб бораётган мамлакатимизнинг 2022-2026 йилларга мұлжалланган тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўстириш суръатларини таъминлаш белгиланган. Бунда мамлакат экспорт ва импорт салоҳиятини ривожлантириш учун мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишка божхона түловларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш лозим. Божхона түловлари миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг драйвери сифатида ишлаб чиқариш субъектларини модернизациялаш, экспортта йўналтирилган иқтисодиёт таркибини шакллантириш, экспортга маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион техника ва технологияларни жорий этиш орқали уларнинг жаҳон қўшилган киймат занжирига интеграциялашувини жадаллаштиради.

Шуни алоҳида таъқидлаш керакки, ташқи иқтисодий фаолиятни божхона түловларидан фойдаланган ҳолда тартибга солишка унинг таркибиға киравчи ҳар бир түлов турининг иқтисодий табиатини ва асосий бажарадиган вазифаларини назардан қочирмаслик лозим. Божхона түловлари таркибиға киравчи божхона божи нарх тоифаларидан биридир. Бу ҳар бир ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси тамойиллари ва қоидаларига асосан табақлаштирилган товар ёки товарлар гурухига нисбатан бож ставкаларини белгилашда алоҳида ёндашувни, уларнинг миллий ҳамда жаҳон харжатлари ва нархлари билан мувофиқлаштирилишини, товарларнинг истеъмол хусусиятлари кўрсаткичлари ҳамда сифатини, қайта ишланганлик даражасини ва бошқа шунга ўхшаш жиҳатлари ҳисобга олинишини талаб этади.

Божхона түловлари таркибиға киравчи солиқ турлари, қўшилган қиймат ва акциз солиқларидан фойдаланишда уларнинг қўйидаги: ижтимоий бирхиллик, аниқлик, қулагайлик, самардорлик тамойилларини ҳисобга олиш лозим.

Қўшилган қиймат солиғи ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларида яратиладиган ва со-тиладиган товарлар, ишлар ва хизматлар баҳоси билан ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари орасидаги фарқ сифатида аниқланувчи қўшимча қийматнинг бир қисми кўринишидаги солиқдир. Кўшилган қиймат солиғининг ставкалари товар турлари бўйича уларнинг у ёки бу вақт оралиғида ички ва ташқи сиёсат вазифаларини амалга ошириш учун қай даражада мухимлигини эътиборга олган ҳолда белгиланади.

Акциз солиғи товар баҳосига кирадиган ва харидор томонидан тўланадиган билвосита солиқ тури бўлиб, кенг оммавий истеъмол товари баҳосига қўйиладиган устама ҳақни ифода этади. Акциз солиғи билан божхона божлари ўртасидаги умумийлик шундаки, уларнинг иккаласи учун ҳам тортилиш обьекти бўлиб, товарнинг божхона қиймати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакат ташқи савдо салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишка сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самараси ва динамикасини оширишни, мамлакатнинг ички ва ташқи иқтисодий манфатларини ҳимоя килишни кўзда тутган, жумладан, ташқи иқтисодий мувозанатни таъминлаш, экспорт ва импорт таркибида прогрессив силжишларни рағбатлантириш, хорижий капитал оқимини кучайтиришга йўналтирилган божхона түловлари тизимини яратишга оид чора-тадбирлар амалга оширилди.

Агар дастлабки йилларда ТИФни тартибга солишка божхона түловларидан мамлакат ички бозорини, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни чет эл рақобатидан ҳимоя қилиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилган ТИФни тартибга солишка фойдаланилган бўлса, кейинги йилларда эса божхона түловларидан фойдаланиш экспортини қўллаб-қувватлаш, унинг ҳажмини ошириш, таркиби ва географиясини диверсификациялашга ҳамда замонавий техника ва технологиялар, инновацион ишланмаларнинг мамлакатга олиб кирилишини ва аҳолининг биринчи галдаги әхтиёжлари қондирилишини таъминловчи импортни қўллаб-қувватлашга қаратилди. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш

лозимки, экспорт ва импортни қўллаб-қувватлашда божхона тўловлари таркибига кирувчи тўлов турлари ставкаларини меъёrlаштиришга ҳам катта эътибор берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонига асосан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йуналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида юқори технологик ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириши рафбатлантириш, яъни инновацион ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қувватларини ишга тушириш орқали юқори қўшилган қийматга эга бўлган товарлар экспорти ҳажмини ошириш, таркиби ва географиясини диверсификациялаш орқали мамлакат ташқи савдо салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, экспортни қўллаб-қувватлаш, унинг ҳажмини ошириш, таркиби ва географиясини диверсификациялаш, мамлакатга валюта тушумларининг узлуксизлигини таъминлаш билан бир қаторда, мамлакатимиз ташқи савдо салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга долзарб масалаларни ҳал қилиш имкониятини беради:

Биринчидан, экспортнинг соф кўрсаткичи "экспорт-импорт" мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмини шакллантиришда иштирок этади ва миллий валюта курси барқарорлигини таъминлади.

Иккинчидан, валюта тушумларининг ошиши янги замонавий техника ва технологияларни

харид қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рафбатлантириш имкониятини беради.

Учинчидан, рафбатбардош миллий маҳсулотларни сифими ички бозорга нисбатан анча катта бўлган ташқи бозорларга чиқариш ва сотиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, янги иш жойларини ташкил этиш орқали аҳоли бандлиги билан боғлиқ бўлган муҳим ижтимоий масалаларни ҳал қилиш имкониятини яратади.

Тўртингчидан, миллий валюта нархлари барқарорлигини таъминлаш, замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакат ташқи савдо салоҳиятини ривожлантиришни жадаллаштиради.

Ҳаракатлар стратегиясидаги мамлакат ташқи савдо салоҳиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида республикамиз ташқи савдо айланмаси таркибида қўйидаги ўзгаришлар юз берди (1-жадвал).

Ташқи савдо айланмаси 6 йил ичida 26 907,00 млн. АҚШ долларидан қарийб 86 фоизга ошиб, 50 008,4 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Президентимиз томонидан таъкидланганидек: "...кенг кўламли ва самарали ислоҳотларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 млрд. доллардан ошди. Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 млрд. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса 19 млрд. долларга етди..." [5].

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ доллари)

№	Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
1.	Ташқи савдо айланмаси	26 907,00	33 809,1	41 751,0	36 299,3	42 071,6	50 008,4
2.	Экспорт	13 893,6	14 253,9	17 458,7	15 127,7	16 610,6	19 309,1
3.	Импорт	13 013,4	19 555,2	24 292,3	21 171,5	25 461,0	30 699,3
4.	Сальдо	880,2	-5 301,3	-6 833,6	-6 043,8	-8 844,9	-11 390,2


Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари www.stat.uz.

Мамлакат экспорти таркибида тайёр маҳсулотлар экспорти улуши 50 фоиздан 65 фоизга ошди. Экспорт қийматида маҳсулот номенклатураси 1,5 мингдан 3 мингтагача кенгайди, экспорт географияси эса 109 та мамлакатдан 164 та мамлакатгача ошди. Мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш, экспортчиларни қўл-

лаб-қувватлаш, экспорт қилинаётган маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида экспортчи субъектлар сони 1,6 баробарга, 4,5 мингтадан 7,2 минг бирликка ошди (1-расм).

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимиз ташқи савдо салоҳиятини ривожлантириш, унинг экспорт ҳажмини ошириш, таркиби ва географиясини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар тизимида инновацион техника ва технологиялар, тўғридан-тўғри инвестициялар, биринчи нав-

батда, мамлакат ва аҳолининг зарур эҳтиёжлари қондирилишини таъминловчи маҳсулотлар импортига нисбатан божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллаш, уларнинг сабабларини ўрганган ҳолда улардан фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштириш эътиборга молик масалалардан биридир.



1-расм. Экспортчи субъектлар сонининг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси (бирлик) [18]

Шулардан келиб чиқсан ҳолда, 2017-2022 йилларда божхона тўловлари бўйича имтиёзларнинг шу йилларда ундирилиши лозим бўлган божхона тўловларидаги улушини (2-жадвал) ва унинг ўзгаришига сабаб бўлган омилларини таҳдил қилиш шуни кўрсатадики, 2017-2018 йилларда божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзлар миқдори давлат бюджетига ундирилиши лозим бўлган божхона тўловларининг, мос равищда, 79,05; 80,94 фоизини ташкил этган бўлса, кейинги 2019-2021 йиллар давомида камайиб, 77,67; 62,24; 53,44 фоизини ташкил этди. 2022 йилдан бошлаб эса 2021 йилга нисбатан ошиб, 55,13 фоизни ташкил этди.

Божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзларнинг ундирилиши лозим бўлган тўловлар таркибидаги 2017, 2018 йиллардаги улушининг ошишига мамлакатда экспортга товар

ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарини қўллаб-кувватлаш, маҳаллийлаштириш дастурига киритилган ишлаб чиқариш корхоналарини замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантириш, иқтисодиётнинг етакчи, стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳаларини модернизациялаш ва диверсификациялашга, зарур инфратузилма обьектларини куришга берилган имтиёзлар миқдорининг ошиши ҳамда мамлакатимиз билан эркин савдо режимини ўрнатган давлатларда ишлаб чиқарилган ва улардан олиб келинаётган товарларга нисбатан қўлланилган преференцияларнинг кўпайиши таъсир этган бўлса, 2019-2021 йилларда камайишига эса нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда кенг тарқалган COVID-19 вируси сабабли мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлиш жараёнларининг кескин камайиши сабаб бўлди.

2-жадвал

Ундирилган божхона тўловлари ва берилган имтиёзлар миқдорларининг йиллар бўйича тақсимоти (млрд. сўмда) [20]

№	Кўрсатчилар	2017	2018	2019	2020	2021	2022
1.	Давлат бюджетига ундирилган божхона тўловлари миқдорлари	7 588,5	11 487,2	17 128,1	24 723,2	33 226,8	46 024,5
2.	Божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзлар миқдорлари	28 642,0	48 769,2	59 585,2	40 762,5	38 150,5	56 553,4
3.	Давлат бюджетига ундирилиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорлари	36 230,5	60 256,4	76 713,3	65 485,7	71 377,3	102 577,9

Бугунги очиқ иқтисодиётга асосланган халқаро меҳнат тақсимотининг шаклланиши

шароитида миллий иқтисодиётнинг йўналиши, ишлаб чиқараётган маҳсулоти ва қўллаётган

технологияси бўйича ихтисослашуви божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларга нисбатан божхона тўловлари ставкалари ва улар бўйича бериладиган имтиёзлар миқдорларини белгилашда маҳсулот ишлаб чиқарилган мамлакат, унинг турлари ва гурухлари ҳамда ишлаб чиқариш технологияси босқичлари бўйича, шунингдек, маҳсулотлар ва уларнинг турларини ишлаб чиқариш ҳамда сотишнинг ташкини ва миллий шароитлари бўйича дифференциялаштиришина тақозо этади.

Булар экспорт қилинаётган товар-моддий бойликларга нисбатан божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш жараёнига тизимли ёндашувни, яъни божхона тўловлари бўйича имтиёзларнинг ташкини савдо таркиби самарали ташкини этилганлиги, миллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг хорижий рақобатлардан ишончли ҳимоя қилинганлиги, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай муҳити ташкини этилганлиги, ички бозорда барча ташкини савдо иштирокчилари учун соғлом рақобати муҳити яратилганлиги ва давлат бюджетига имтиёзлар натижасида тушган маблағлардан самарали фойдаланганлигига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади. Акс ҳолда, бу жараён миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида бозор муносабатларига зид ҳолда монопол мавқега эга бўлган корхоналар ва ташкилотлар қаторига янги шундай тузилмаларни кўллашига олиб келиши мумкин. Шундан келиб чиқсан ҳолда, Президентимизнинг 2018 йил 16 январдаги "Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги [1] фармони қабул қилиниши натижасида мамлакатимизда экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш, талаб юқори бўлган озиқ-овқат товарларини импорт қилишдаги тўсиқ ва чекловларни бартарраф этиш, ташкини иқтисодий фаолият объектла-

рининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини қучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилиши билан бир қаторда, носоғлом рақобат, озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг айрим хўжалик субъектлари томонидан монополлаштирилиши, сунъий тақчилликни юзага келтириши ҳамда баъзи товарлар учун нархнавонинг асоссиз оширилишига барҳам берилди. Имтиёзлар айрим корхоналарга эмас, балки алоҳида ишлаб чиқариш ва хизмат турларини рағбатлантириш мақсадида бериладиган бўлди. 2018 йил 1 февралдан бошлаб юртимизга озиқ-овқат товарларини импорт қилиш бўйича айрим хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этилган индивидуал божхона, солиқ ҳамда бошқа имтиёзлар ва преференциялар бекор қилинди.

Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш механизмини такомиллаштиришда берилган имтиёзлар миқдорининг тўлов турлари бўйича тақсимотини ўрганиш ҳам лозим. Чунки уларнинг қийматлари ўзгаришини таҳлил қилиш орқали миллий иқтисодиётга, унинг рақобатбардошлик даражасига таъсир қилаётган ички ва ташкини омилларни ўрганиш мумкин. Бу эса мамлакатимиз ташкини савдо салоҳиятини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатига муайян ўзгартиришлар киритилиши лозимлигини белгилаб беради.

Божхона тўловлари бўйича 2017-2022 йилларда берилган имтиёзларнинг тўлов турлари бўйича тақсимотини (З-жадвал) таҳлил қилиш шуни кўрсатади, 2017 йилда берилган имтиёзлар таркибида импорт божи 36,9 фоизни, акциз солиги 7,9 фоизни, божхона йиғимлари 0,008 фоизни, кўшилган қиймат солиги эса 55,2 фоизни ташкини этган бўлса, 2022 йилда уларнинг берилган имтиёзлар таркибидаги улушлари мос равища 40,9 фоиз, 0,2 фоиз, 0,05 фоиз ҳамда 58,8 фоизни ташкини этди.

З-жадвал

Божхона тўловлари бўйича 2017-2022 йилларда берилган имтиёзларнинг тўлов турлари бўйича тақсимоти (млрд. сўмда) [20]

№	Йиллар	Жами	Шу жумладан:				
			Импорт божи	Акциз солиги	Кўшилган қиймат солиги	Божхона йиғимлари, (100 %)	Бошқа божхона тўловлари
1.	2017 й.	7 588,5	1 707,4	1 087,9	4 583,4	150,4	59,4
2.	2018 й.	11 487,2	1 826,4	514,8	8 776,0	270,7	99,3
3.	2019 й.	17 128,1	2 302,7	818,5	13 397,7	291,4	317,8
4.	2020 й.	24 723,2	3 553,7	858,5	19 738,1	275,0	297,9
5.	2021 й.	33 226,8	4 764,9	307,6	27 284,1	352,5	517,7
6.	2022 й.	46 024,6	5 745,7	377,8	33 240,7	664,5	547,5

Ундирилган божхона тўловлари ичida акциз солигининг улуши 2021-2022 йилларда олдинги йилларга нисбатан камайиб кетишига 2019-2021 йиллар давомида мамлакатимизда импорт товарлари акциз солигига тортилиши нинг оптималлаштирилиши сабаб бўлди.

2020 йилнинг 1 августидан бошлаб импорт қилинаётган транспорт воситаларига ва яна 73 та товар позициялари бўйича акциз солиги қўлланилиши бекор қилинди. 2021 йилдан ўсимлик ёғи, енгил автомобиллар ва бошқа моторли транспорт воситаларига нисбатан акциз солиги қўлланилиши бекор қилинди. Бу солиқ бўйича тушумлар 858,5 млрд. сўмдан 307,6 млрд. Сўмгacha ёки деярли 2,8 баробарга камайди. Шу давр ичida нефть-газ маҳсулотларидан ундирилган акциз солиги миқдори 2,8 баробарга, тамаки маҳсулотларидан 1,7 баробарга ошди, алкоголь маҳсулотларидан ундирилган акциз солигининг миқдори 1,3 баробарга камайган. Нефть-газ ва тамаки маҳсулотлари бўйича акциз солиги миқдорининг ошишига жаҳон бозорида бу товарлар импортига нисбатан нархларнинг ошиши сабаб бўлган бўлса, алкоголь маҳсулотларига нисбатан камайишига эса акциз солигининг қўлланилиши табиатидан келиб чиқсан ҳолда бу маҳсулотлар импортининг чекланиши ҳамда солиқ имтиёзларининг киритилиши сабаб бўлди [16].

Иқтисодиётнинг айrim секторларида тадбиркорлик субъектларига сезиларли миқдорда имтиёз ва преференцияларнинг берилиши, қўшилган қиймат солигини ҳисоблаш ва тўлашнинг амалдаги тартибидаги мавжуд бўлган номутаносибликлар барча хўжалик юритувчи субъектлар учун teng шароитлар таъминланмаганигини, қўшилган қиймат солигининг тўлақонли занжирини яратиш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш имкониятини бермаётганлигини кўрсатди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Солиқ ва божхона имтиёzlари берилишини янада тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида”ги[2] фармони қабул қилинди. Бу фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ҳалқаро молия институтлари консультантлари ва мустақил эксперталарини жалб этган ҳолда 2019 йил 1 августдан божхона имтиёzlарини бериш тартибини тубдан қайта қўриб чиқиш бўйича таклифлар киритилди.

2018 йилнинг 10 февралидан 28 февралигача мамлакатимизда бўлган Ҳалқаро молия

жамғармасининг (МВФ) солиқ сиёсати бўйича мутахассислари ўз ҳисоботларида республика-мизда қўшилган қиймат солиги бўйича имтиёзларни ҳар томонлама қисқартириш лозимлигини таъкидлаб ўтишди. Уларнинг фикрича, бу солиқ тури бўйича имтиёзларнинг берилиши ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий нуқтаи назардан салбий оқибатларга олиб келиши мумкин экан[14].

Шулардан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги [3] фармонига асосан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солигининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди. Фармонга асосан иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш мақсадида товарлар импортига нисбатан қўлланиладиган қўшилган қиймат солиги ставкаси импорт товар турлари ва гурухлари бўйича дифференциаллаштириладиган бўлди.

Мамлакатимиз экспорт ва импорт салоҳиятини ривожлантиришда божхона тўловларини ундириш ва улар бўйича имтиёзлар бериш механизмларини такомиллаштириш билан бир қаторда бу омилларнинг бевосита ижрочиси – божхона органларининг Президентимиз томонидан Олий Мажлисга 2020 йил 24 январдаги Мурожаатномасида таъкидланганидек: “...барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги ҳалқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, ташқи савдо билан боғлиқ назорат тизими ва инфратузилмасини янгилаш лозим...”[4].

Ўтган давр мобайнида хукумат томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш орқали мамлакатнинг ҳалқаро иқтисодий ҳамжамиятга интеграциялашувини жадаллаштириш мақсадида божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ва божхона тартибтаомилларини соддалаштириш, божхона органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, бизнесни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, амалдаги божхона тартиб-таомилларини ҳалқаро норма ва стандартлар талабларига жавоб беришини таъминлаш мақсадида муайян чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фао-

лиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5414-сонли фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси божхона органларини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари белгиланди. Булар:

биринчидан, божхона органларининг барча дараҷадаги тузилмалари вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ҳамда тақсимлаш, шунингдек, божхона органлари марказий ва худудий маҳкамаларининг самарали фаолият кўрсатишини ташкил қилишда соҳавий тузилмаларнинг мувофиқлаштирувчи роли ва услубий кўмагини кучайтириш;

иккинчидан, товарларни ноқонуний олиб киришнинг асосий шакллари ва услублари ҳамда божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш схемалари ҳақидаги маълумотларни аниқлаш, ўрганиш ва умумлаштириш орқали божхона тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланилишини таъминлаш, бюджетнинг даромад қисмини ошириш;

учинчидан, ялпи божхона назоратини ўтказишида ҳар томонлама таҳдил асосида божхона назорати обьектларини аниқлаш, шунингдек, ташки иқтисодий фаолият иштирокчилари учун маъмурий тўсиқларни камайтириш имконини берувчи хавфни бошқариш тизимига ўтиш;

тўртинчидан, божхона органлари барча таркибий тузилмаларининг фаолияти ва идоралараро ахборот алмашинуви самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

бешинчидан, хорижий давлатларнинг божхона органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, божхона иши соҳасида илғор тажрибани, халқаро норма ва стандартларни тизимли ўрганиш ва жорий қилиш.

Мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилди.

Республикамизда Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва божхона тартиб-таомилларини янада соддалаштиришни талаб этди.

Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш, божхона органлари фаолиятини янада

такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш, "қоғозсиз ва электрон божхона"нинг мантиқий давоми ва ривожланиши бўлган "рақамли божхона"ни шакллантириш, шунингдек, божхона иши соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги "Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-6005-сонли фармонига асосан божхона органлари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини ўз ичига олган 2020-2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш концепцияси қабул қилинди. Унга кўра:

– божхона соҳасидаги норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштириш;

– мавжуд куч ва воситаларни оптималь кўллаган ҳолда божхона органлари фаолияти ва инфратузилма обьектларининг институционал асосларини ривожлантириш;

– рақамли иқтисодиёт доирасида замонавий ва илғор-ахборот коммуникация технологияларини божхона соҳасига жорий этиш орқали божхона органлари фаолияти шаффоғлиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш;

– божхона органларининг фискал функцияларини амалга оширишни такомиллаштириш, ташки иқтисодий фаолиятни тариф ва нотариф жиҳатдан тартибга солишни соддалаштириш;

– контрабанда ва божхона тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилишига қарши курашиш;

– халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар божхона хизматлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш белгиланган.

Белгиланган бу тадбирларни амалга ошириш мамлакат ташки савдо салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири – миллий товарларимизнинг рақобатбардошлигини ошириш билан бир қаторда божхона органларининг божхона тўловларини ундириш бўйича вазифалари самарадорлигини ошириш имкониятини беради.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида экспортни кўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини 2026 йилда (30 млрд. долларгача) ошириш

кўзда тутилган. Экспортчи корхоналарга кўрса-тиладиган молиявий ёрдам тизимининг ташки-лий томонларини янада такомиллаштириш орқали экспортчи корхоналар сонини 6500 та-дан 15000 тагача, товарлар экспорти география-сини 115 та мамлакатдан 150 та мамлакатга кенгайтириши кўзда тутиляпти.

Мамлакат экспортини ривожлантиришда саноат ишлаб чиқаришининг ўсишини таъминлаш муҳим ўрин тутади. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисми саноат секторида (курилишни ҳам ҳисобга олганда) яратилди ва бу секторга иқтисодиётда банд бўлганларнинг 14 фоизи тўғри келади. Кейинги беш йилда саноат корхоналарининг сони уч баробарга ошиб, 100 мингтага етди. Шу сабабли мамлакат ҳукумати томонидан бу секторга катта эътибор қаратиляпти, ҳал этилиши лозим бўлган ялпи вазифалар қўйиляпти.

Миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулот ҳажмида са-ноатнинг улушкини оширишга қаратилган сиё-сатни давом эттириш мақсадида Янги Ўзбекис-тоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган та-раққиёт стратегиясида саноат ишлаб чиқариши-ни янада ривожлантириш бўйича бир қатор мақ-садлар белгиланган. Хусусан, саноат ишлаб чиқа-риш ҳажмини 1,4 баробарга, курилиш материал-лари ишлаб чиқаришни 2 баробарга, автомобиль саноатини 1,4 баробарга экспорт ҳажмини эса 2 баробарга ошириш кўзда тутиляпти.

Шунингдек, текстиль саноати ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга ошириш ҳисобига тайёр маҳсулот экспорти ҳажмини 5 млрд. долл.га, шу соҳада банд бўлган ишчилар сонини 570 мингтага етказиш белгиланди [17].

Мамлакат иқтисодиётида бозор қонунла-рининг самарали ишлашини таъминлаш мақса-дида яқин 5 йиллик ичida иқтисодиётдаги дав-лат иштирокини янада камайтириш, хусусий секторни ривожлантириш, иқтисодиётни монополлаштирилишидан чиқаришга катта эътибор берилади. 25 турдан ортиқ фаолиятда монопо-лия бартараф этилади. Хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улушкини 80 фоизгача, экспортидаги улушкини эса 60 фоизгача етказиш мақсад қилиб қўйилган.

Стратегия доирасида инвестиция муҳити-ни яхшилаб бориш орқали 5 йил ичida 120 млрд. долларга тенг, шу жумладан, 70 млрд. долларлик хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилиши кутилмоқда. Саноат корхоналари ва илмий таш-килотлар ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш орқали иқтисодиётга инновация-

ларни кенг кўламда татбиқ этиш кўзда тутил-моқда. Инвестициялардан фойдаланиш ва экспорт ҳажмини оширишнинг янги “пастдан юқо-рига” тизими жорий этилади [15].

Хулоса ва таклифлар. Мамлакат ташқи савдо салоҳиятини ривожлантиришда божхона тўловларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришда қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш билан мамлакат таш-қи савдо салоҳиятининг ривожланганлик дара-жаси ўртасида муайян боғлиқлик бор. Шунинг учун божхона тўловларидан фойдаланиш механизmlарини такомиллаштиришда ривожланган ва ривожланётган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

2. Мамлакатимиз божхона тўловларини ундириш тизимининг ҳукуқий-институционал асосларини халқаро савдо, молия ташкилотлари талаблари асосида доимо янгилаб бориш лозим.

3. Мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг аҳолининг зарур ва эҳтиёж товарларига бўлган талабларини қондириш учун божхона тўловлари бўйича бериладиган имтиёзлар тизимини доимо такомиллаштириб бориш лозим.

Мамлакат экспорт ва импорт салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири – миллий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардош-лигини ошириш учун қўйидагиларни таклиф этамиз:

– божхона тўловлари ставкаларини товар турлари ва гурӯҳлари бўйича диверсификация-лаш билан бир қаторда реал бозор конъюнктура-сини ҳисобга олган ҳолда нархни шаклланти-ришнинг замонавий механизmlарини жорий этиш;

– мамлакатда соғлом рақобат ва ишбилар-монлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган қулай шарт-шароитлар яратишида божхона тў-ловлари бўйича имтиёзлар механизmlарини қайта кўриб чиқиши ва янада такомиллаштириш;

– божхона тўловларини ундиришда божхона қийматини аниқлашнинг асослилигини таъ-минлаш мақсадида жаҳон бозоридаги конъюнк-турани ҳисобга олиб, доимий ўзгарувчи нархлар бўйича маълумотлар базасини, яъни “Божхона қиймати” автоматлаштирилган ахборот тизими-ни яратиш;

– корхоналар томонидан божхона тўловла-ри бўйича берилган имтиёзлардан самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида божхона имтиёзларидан фойдаланаётган ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг сайтини ташкил этиш;

– импорт товарларига нисбатан қўллани-лаётган божхона тўловларининг объективли-

гини ва улар бўйича берилаётган имтиёзларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида бу жараёнларда иқтисодий-математик усуллардан фой-

даланишни жорий этиш, бизнинг фикримизча, ҳозирги кунда мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги "Мамлакатнинг озиқ-овқат ҳаевфисизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги "Солиқ ва божхона имтиёzlари берилишини янада тартибга солиши чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси солик сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2020 йил 24 январь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. – Т., 2022 йил 20 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
6. Алексей Киреев. Международная экономика. В двух частях. Часть первая. Международная микроэкономика: движение товаров и факторов производства. – М.: Международные отношения, 1999 г. – 416 с.
7. Свинухов В.Г. Таможенно-тарифное регулирование внешнеэкономической деятельности и таможенная стоимость. Учебник. – М.: Экономистъ, 2005 г. – 271 с.
8. Основы таможенного дела. Учебник. / Под общ. ред. В.Г.Драганова: Рос. Тамож. акад. ГТК РФ. – М.: ОАО// Изд-во «Экономика», 1998. – 687 с.
9. Тихонович В.А. Таможенно-тарифный компонент национальной внешнеторговой политики. Автореферат диссертации на соискание ученої степени к.э.н. – Волгоград, 2022. – 125 с.
10. Алимов Р.О., Расулов А.Ф. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. – Т.: Konsauditinform – Nashr, 2006. – 440 б.
11. Махмудов Н. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш. // "Бозор, пул ва кредит" журнали. 2006. 8-сон. 55-б.
12. Арипов Сайд-Азим. Ташқи савдони божхона тўловлари орқали тартибга солишини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2009 й. – 23 б.
13. Пардаев Т. Божхона тўловларини ундиришида божхона қиймати ва уни аниқлашни такомиллаштириш ўйлари. // Бозор, пул ва кредит. – Т., 2019 й. 9-сон (268). 20-29-б.
14. Эльмира Ахмедова. ИЭИ – Осторожна: лъготы! // Экономическое обозрение. № 2 (218), 2018 г., стр. 38.
15. Обид Хакимов. ИЭИР – Первый год «Стратегии развития Нового Узбекистана». Основание экономические направления. // Экономическое обозрение. № 2 (266), 2022 г., стр. 15-18.
16. Сергей Воронин, Азиза Убайдуллаева. Акцизное налогообложение в Узбекистане. Тенденции и перспективы совершенствование. // Экономическое обозрение. № 12 (276), 2022 г., стр. 64.
17. Нозимжон Ортиков. ЦЭИР – Промышленность Узбекистана в развитии. Итоги 2022 года и перспективы на 2023 год. // Экономическое обозрение. № 2 (278), 2023 г., стр. 58.
18. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари. www.stat.uz
19. [http://president.uz/uz/lists/view/4056](https://president.uz/uz/lists/view/4056)
20. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси маълумотлари. www.customs.uz



МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТАҚСИМОТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ИНСТИТУЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ



https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a2

Хажиев Баҳтиёр Душабоевич -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

Аннотация. Ушбу мақолада миллий иқтисодиётда яратилган даромадларни қайта тақсимлаш жараёнларини тартибга солиши институтлари, уларнинг амал қилиш қонун-қоидалари, ўзига хос ҳусусиятлари, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсири ва шу каби масалалар ёритилган.

Калим сўзлар: тақсимот, бирламчи ва иккиламчи тақсимлаш жараёнлари, даромад, институтлар, уй хўжалиги, иқтисодиёт секторлари.